https://gospodarkainnowacje.pl

GOSPODARKA I INNOWACJE

LABORATORIUM WIEDZY Artur Borcuch

Volume: 60 | 2025

Economy and Innovation
ISSN: 2545-0573

For more information contact: editor@gospodarkainnowacje.pl

БАҲОУДДИН НАҚШБАНД РУБОИЙЛАРИДА УМИД ТУШУНЧАСИ

Наврўзова Гулчехра Нигматовна
Бухоро муҳандислик-технология институти “Ижтимоий фанлар” кафедраси профессори, фалсафа фанлари доктори, email: premium.progress@mail.ru

A R T I C L E I N F O.

Калит сўзлар: Баҳоуддин Нақшбанд, рубоий, умид, хавф, рижо, таваккал.

Аннотация

Мақолада Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларида умид тушунчасининг мазмун-моҳияти манбалар асосида таҳлил этилган.

http://www.gospodarkainnowacje.pl/ © 2025 LWAB.

КИРИШ

Глобаллашув даврида оммавий маданият таъсирида инсон қадри масаласи долзарб мавзу бўлиб қолди. Руҳий таназзул ва умидсизлик руҳиятини олдини олиш учун тасаввуфдаги умидга оид ғояларининг фалсафий таҳлилига махсус эътибор бериш зарур. Тасаввуф таълимотида хавф ва рижо, яъни қўрқинч ва умид деган мақомлар мавжуд. Нақшбандия таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларида умид тушунчасига оид ғоялар таҳлили ва тарғиботи инсониятни руҳий мувозанатга тушишига ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросига оид мақомот[2], маноқиб[22] ва бошқа манбалар[4,21,23]да унинг таълимотининг асл моҳияти ёритилган. Тадқиқотлар натижасида Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳикматли сўзлари[5] ва рубоийлари[1,3] борлиги аниқланди. Уларнинг фалсафий таҳлили асосида Баҳоуддин Нақшбанд таълимотига оид монографиялар[6,7,10,14,20] яратилди. Рубоийларнинг таҳлили натижасида мақолалар нашр этилди[12-13,15-19]. Умид тушунчасига оид Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларини герменевтик таҳлил асосида тушуниш ва тушунтиришга ҳаракат қилдик.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Баҳоуддин Нақшбанднинг маънавий устози Хожа Али Ромитанийнинг “Рисолаи Ҳазрат Азизон” асарида инсон камолотининг 10 шарти ёзилган. Унинг 7 шартида қуйидаги фикр баён этилган: “ОЛЛОҲ Талонинг ҳукмига ризо бўлиш. Таваккул ва тафвиз— бутун ишларни Оллоҳга топшириш ҳам шулардандир. Сир, жаҳр, шиддат ва ризода **хавф** - қўркинч ва **рижо -** умид бўлиши керак. Барча аҳволларда Оллоҳ Таолонинг каримлиги, раҳимлиги ва сатторлиги— айбларни ёпувчи эканлигига қараганда рижо — умид қувват олади. Унинг қаҳҳорлиги, қилган гуноҳлар учун қаттиқ жазолар беришига назар қилганда хавф - қўрқинч қувват олади”[8:34,7:179-180]. Баҳоуддин Нақшбанд шу ғоялар асосида камол топиб, ўз маънавий меросини яратди.

“Рубоиёти Хожа Нақшбанд” асаридаги Баҳоуддин Нақшбанднинг 84 рақамли рубоийсида умид тушунчасининг фалсафий-тасаввуфий талқини қуйидагича ёритилган:

Copyright © 2025 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0

دارم گنه از قطره باران بیش

واز شرم کنه فکنده ام سر در پیش

آواز برامد که سهل باشد دردش

تو خور خود کنی و من در خور خویش

Дорам гунаҳ аз қатраи борон беш,

В-аз шарму гунаҳ фикандаам сар дар пеш.

Овоз баромад, ки саҳл бошад дардаш,

Ту хӯри худ кунию ман дар хӯри хеш[1:127].

Мазмуни:

Гуноҳларим ёмғир томчиларидан кўп,

Гуноҳларимдан уялиб бошимни қуйи солганман хўп.

Овоз чиқдики, дардинг енгилдир,

Сен ўзингга лойиқ ишни қилавер, мен ҳам ўзимга лойиғини қилаверай.

Рубоийда Баҳоуддин Нақшбанд гуноҳлари ёмғир томчиларидан кўплиги учун уялганидан бошини кўтаролмаётганини таъкидлайди. Гуноҳларидан қўрқиб турганида қалбига бир овоз келадики, бу мушкулни ечиш осон. Банда нафс қутқуси билан гуноҳ қилади, аммо Оллоҳ гуноҳларини англаб, пушаймон бўлган,тавба қилган, бандани кечиради, авф этади. Бу Оллоҳнинг бандаларига раҳм қилиши ва кечириши уларда умид туғдиради. Тасаввуфда хавф, яъни Оллоҳдан қўрқиш ва ижо, яъни Оллоҳнинг марҳаматига умидвор бўлиш мақоми мавжуд. Банда ҳамиша хавф ва ижо орасида бўлса, руҳий мувозанатда бўлиб, гуноҳ қилишдан ўзини сақлайди ва мудом истиғфор айтиб, ўзини гуноҳлардан поклайди.

Рубоийлар жамланган манбада Баҳоуддин Нақшбанднинг 86 рубоийсида умид тушунчаси қуйидагича тавсифланган:

روزی که کند اجل گریبانم چاک

در غایت بی خودی نیم روی بخاک

خواهم که مرا از خاک برداری

واز نقش گناه لوح پلم سازی پاک

Рӯзе, ки кунад аҷал гиребонам чок,

Дар ғояти бехудӣ нимрӯй ба хок.

Хоҳам, ки маро аз хок бардори,

В-аз нақши гуноҳ лавҳи дилам сози пок[1:130].

Мазмуни:

Ўшал кундаким, ажал қилса гиребоним чок,

Бехудлик ғоятидан ётарман ярим юзим тупроқ.

Истайманки, мени тупроқдан кўтаргайсан,

Ва гуноҳлар нақшидан қалбим лавҳини этурсан пок.

Баҳоуддин Нақшбанд бу рубоийсида ўлгандан кейин қабрда Оллоҳ марҳамат этиб, қалбда нақшланган гуноҳларни кечириб, уни пок ҳолда қабул қилишини сўрамоқда. Бу рубоий

Copyright © 2025 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0

Баҳоуддин Нақшбанднинг инсоннинг барзах оламида то ҳашр кунигача қабрда қолишига ишониши ва қабр азобидан қутқаришига Оллоҳ марҳаматига умидвор бўлишига ишончи маълум бўлади.

Манбадгаги 88 рақам билан белгиланган Баҳоуддин Нақшбанднинг рубоийсида ўлмасдан олдин ўлган, яъни тасаввуфий фано ҳолатидан бақо ҳолига эришган инсоннинг охирати обод эканлигига умид қуйидагича баён этилган:

ماییم که در هیچ حسابی نایيم

خالی و لبان تهی لسانید ماییم

آن دم که حساب عاصیان میطلبند

آن ذره که در حساب نایید ماییم

Моем, ки дар ҳеч ҳисобе ноем,

Холеву лабон, таҳӣ лисонед моем.

Он дам, ки ҳисоби осиён металабанд,

Он зарра, ки дар ҳисоби ноед моем[1:132].

Мазмуни:

Биз ким йўқ ҳисобидамиз,

Лабимизда хол, тилимизни тийганмиз.

Ул дамки осийларни ҳисобини сўрарлар,

Биз ҳисоб қилинмайдиган зарралар ичидамиз.

Бу рубоийда камолга етган, комилу мукаммал инсонларнинг борлиқда ўзини ҳеч ким деб ҳисоблаши, Оллоҳнинг амрига тўла бўйсуниши, тилини назорат қилиб, оғзини муҳрлаши таъкидланган. Ҳаётда бундай камолотга эришган кимсаларни осийларни ҳисоб-китоб қилаётган кунда гуноҳкорлар қаторида йўқ деб ҳисоблайдилар. Бу рубоий билан Баҳоуддин Нақшбанд фано ва бақо даражасига эришган комил инсонларни охирати обод бўлишига умид қилади.

Манбадаги 89 рақамли рубоийда Баҳоуддин Нақшбанд Оллоҳнинг “Ноумид бўлма” деган амри асосида умид қилишини таъкидлайди:

عودم چو نبود چوپ بید آورده ام

روسیه و موی سفید آوردم

چون خود گفتی که نا امیدی کفر است

فرمان تو بردم و امید آورده ام

Удам чу набуд, чӯпи бед овардам,

Рӯсияҳу мӯйи сафед овардам.

Чун Худ гуфти, ки “Ноумедӣ куфр аст”,

Фармони Ту бурдаму умид овардам[1:133].

Мазмуни:

Удим йўқлиги учун беднинг ёғочини келтирдим,

Юзим қораю оқ сочимни келтирдим,

Сен айтдингким, “Ноумидлик куфрдир”,

Copyright © 2025 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0

Сенинг фармонингга ишондиму умид келтирдим.

Бу рубоий юқоридаги 84 рақамли рубоийга уйғун бўлиб, хавф ва ижо мақомини таҳлил этади. Рубоийда банда гуноҳ қилиб, сочи оқ бўлса ҳам юзи қора ҳолда келганида Оллоҳ амр этадики, ноумид бўлиш куфрдир. Баҳоуддин Нақшбанд рубоийда таъкидламоқдаки, инсон Оллоҳ амрига итоат этиб, ноумид бўлмаслиги, қалбида ҳамиша умид нур таратиши керак. Дарҳақиқат, инсон Оллоҳнинг марҳаматидан умидвор бўлса, энг оғир дамда ҳам, руҳий таназзулга тушганида ҳам ўзини жонига қасд қилмайди, қоронғи туннинг орқасидан яхши кунлар келишига умид қилади. Бу инсонга ижобий қувват бериб, келажакка ишончини уйғотади ва эзгу амаллар қилишга чорлайди.

ХУЛОСА

Баҳоуддин Нақшбанднинг юқорида таҳлил этилган рубоийлари асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Умид инсонга ижобий қувват берадиган ва эзгу ҳаракатлар қилишга чорлайдиган тасаввуфий тушунчадир.
2. Тасаввуфда хавф ва ижо деган мақом борки унга асосан инсон доимо гуноҳ қилишдан қўрқиши ва эзгу келажакка умид қилиши лозим.
3. Қўрқув ва умид инсонни руҳий мувозанатга сақлайди.
4. Умидсиз бўлишдан ёшларни асрашимиз ва уларда умид уйғотиш учун маънавий-маърифий ишларни кучайтиришимиз лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. رباعیات خواجه نقشبند مرتب و شارح محمد قصوری اردوبازار لاهور الدینیة پبلیکیشنز ۱۹۹۸ ۱۸۴ صحیفه
2. Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али. Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд / Форсийдан таржимон, сўз боши, изоҳ ва луғат муаллифи Маҳмуд Ҳасаний. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019. – 335 б.
3. Баҳоуддин Нақшбанд. Рубоийлар. Бухоро: “Дурдона” нашриёти, 2023 – 84 б.
4. Баҳоуддин Нақшбанд. (Манбалар таҳлили). Тўплаб нашрга тайёрловчи, мақола, изоҳ ва шарҳлар муаллифи. Г. Н. Наврўзова. Т.: “Sano standart” нашриёти, 2019. 256 б.
5. Баҳоуддин Нақшбанд. Ҳикматли сўзлар. Bahouddin Nakshband. Words of wisdom. Ҳикматли сўзларни тўпловчи ва мақолалар муаллифи. Г. Н. Наврўзова, Ҳикматли сўзларни инглиз тилига таржима этувчи З. Расулов. “Sadriddin Salim Buxoriy”. “Durdona” nashriyoti. 2020. 52 б.
6. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия тасаввуфий таълимоти ва баркамол инсон тарбияси. – Тошкент: Фан, 2005. – 233 б.
7. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – камолот йўли. – Тошкент: Фан, 2007. – 189 б.
8. Наврўзова Г.Н. Ҳазрат Азизон камолотга етишнинг ўн шарти хусусида. Бухоро: “Бухоро”, 2007.40 б.
9. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд. (Рисола). Т.: “ABU MATBUOT-KONSALT” нашриёти, 2011. 24 б.
10. Наврўзова Г.Н. Хожа Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёти ва маънавий мероси. – Т.: Фан, 2021. – 244 б.
11. Navruzova G.N. Bahauddin Naqshband – the seventh pir of Bukharai Sharif (Noble Bukhara). Islom tafakkuri (Maxsus son), 2020. 5-8-б.

Copyright © 2025 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0

12. Наврўзова Г.Н. Шукроналик – инсон камолотининг асоси. //Imom Buxoriy saboqlari. 2023. №3. 121-123-бетлар.
13. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия таълимотида ризо тушунчаси. //Islom tafakkuri. 2022. 2-сон. 39-46-бетлар.
14. Наврўзова Г.Н. Бухорои шарифнинг етти пири ҳалол тушунчаси хусусида. // Imom Buxoriy saboqlari. 2022. 4-сон 51-52-б
15. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларида инсонни руҳий мувозанати масаласи. Interpretation and researches. Volume 1 issue 22. 30.12.2023. p.171-176.
16. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида суҳбат тушунчаси. Interpretation and researches. Volume 2 issue 1(23). 30.01.2024. p.19-22.
17. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия: Нақшдан бенақш сари йўл. Interpretation and researches. Volume 2 issue 8(30). 10.05.2024. p.219-225.
18. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд маънавий меросининг янги қирраси. //Islom tafakkuri. 2024. 1-сон. 3-7 бетлар.
19. Наврўзова Г.Н. Баҳоуддин Нақшбанд рубоийларидаги инсон тушунчасининг фалсафий таҳлили. // Islom tafakkuri. 2024. 2-махсус сон 49-53-б.
20. Наврўзова Г.Н. Нақшбандия – ҳушёрлик йўли. Т.: Фан, 2024. 184 б.
21. Рисолаҳои пирон ва пайравони тариқати Нақшбандия. Душанбе: 2017. 456 б.
22. Салоҳиддин ибн Муборак ал-Бухорий.(1410) Анис ат-толибин ва уддат ас-соликин. Бухоро музейи 27772/11 қўлёзма 168 в.
23. Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-ҳаёт («Обиҳаёт томчилари»): тарихий-маърифий асар / Табдил қилувчилар, нашрга тайёрловчилар: М.Ҳасаний, Б.Умрзоқ. Масъул муҳаррир: Б.Умрзоқ (ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти). – Т.: Абу Али Ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти, 2004. – 536 б.

Copyright © 2025 All rights reserved International Journal for Gospodarka i Innowacje This work licensed under a Creative Commons Attribution 4.0